

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Бекдавлат Алиев**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
E-mail: [b.aliyev@tsue.uz](mailto:b.aliyev@tsue.uz)

**Абдуқодир Отабоев**  
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини, унинг институтларини ривожлантириш бугунги кун тартибига бошқарувнинг замонавий ва адолатпарвар тизимини яратиш вазифасини қўймоқда. Зеро, жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ва шу орқали ҳокимиятнинг номарказлашуви, ҳокимият бўғин ва поғоналарининг жамоатчилик назорати ва бир-бирини тийиб туриш каби функциялари вужудга келишини тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда институционаллашув жараёни фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини тўғри ва мақбул тарзда амалга ошириш, қолаверса, уларнинг вазифаларини сарҳисоб қилиш кафолати сифатида қаралади. Мазкур жиҳатлардан келиб чиқиб, илмий мақоламизда мамлакатимиздаги давлат ва жамият муносабатлари танқидий таҳлил қилиниб, тараққиёт истиқболлари бўйича дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси ўрганилган ҳолда тавсиялар берилди.

**Калит сўзлар:** давлат, жамият, фуқаролик жамияти, институт, институционаллашув, ижтимоий институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, демократия, ҳокимият, сиёсий институтлар.

**Аннотация:** Развитие демократического государства, гражданского общества и его институтов ставит на повестку дня задачу создания современной и справедливой системы управления. Действительно, процессы, происходящие в жизни общества требуют реформы государственного управления и, как следствие, децентрализации власти, появления таких функций, как общественный контроль над властью и сдерживание иерархии, уровней власти. В связи с этим процесс институционализации рассматривается как гарантия правильного и оптимального осуществления деятельности институтов гражданского общества, а также как краткое изложение их функций. Исходя из этих аспектов, наша научная статья критически анализирует отношения государства и общества в нашей стране и дает рекомендации по перспективам развития, изучая опыт развитых стран.

**Ключевые слова:** государство, общество, гражданское общество, институты, институционализация, социальные институты, негосударственные некоммерческие организации, демократия, правительство, политические институты.

**Abstract:** The development of a democratic state and civil society, its institutions, puts the task of creating a modern and fair management system on the agenda today. Indeed, the processes in the life of society require the reform of public administration and, consequently, the decentralization of power, the emergence of such functions as public control and restraint of the hierarchy and levels of government. In this regard, the process of institutionalization is seen as a guarantee of the correct and optimal implementation of the activities of civil society institutions, as well as a summary of their functions. Based on these aspects, our scientific article critically analyzes the state-society relations in our country and makes recommendations on the prospects of development, studying the experience of developed countries.

**Keywords:** state, society, civil society, institution, institutionalization, social institutions, non-governmental non-profit organizations, democracy, government, political institutions.

Тарихимизда ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли тарихий давлатчилигимиз қайта тикланди. Натижада мамлакатимиз ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” [1] ғояси остида дадил илдамлаб боряпти. Бу “Янги Ўзбекистон”ни барпо этишнинг асосий мезонига айланди, десак, айна ҳақиқат.

Айтиш жоизки, кейинги уч-тўрт йилда юртимизда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ҳар йили эришилган ютуқларни эътироф этиш билан бирга, қилиниши лозим бўлган ишларни сарҳисоб қилиш яхши анъанага айланган. Қўлга киритилган натижалар ўзимизники. Аммо мамлакат тараққиёти учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳам, мавжуд муаммолар ҳам бировники эмас, ўзимизники. Уларни ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайди. Бу айниқса, давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги муаммоларда яққол намоён бўлади. Чунки айнан бошқарув соҳасидаги масалалар туфайли кўплаб бюрократик тўсиқлар пайдо бўлиб, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётгани ҳам бор гап.

Бундай муаммоларни бартараф этишнинг асосий йўли сифатида Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқаруви борасида амалга оширилаётган демократик ислохотларни ифода этадиган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклланиши ва ривожланишининг жадаллашаётганини айнан сўнги йиллар доирасида идрок этиш тўғри бўлади. Бу, бир томондан — барқарор тараққиётни таъминласа, иккинчи томондан, истиқболга қаратилган реал имкониятларнинг рўёбга чиқишига йўл очади.

Бунинг учун фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини билиши, жамият манфаати учун аниқ мақсад сари маълум институтларга расмий ва норасмий шаклда бирлаша олиш имкониятига эга бўлиши керак. Албатта, расмий асосдаги институтлар замирида давлат бошқарувидаги меъёрлар, конституциялар, қоидалар, яъни қонуний куч ишлатиш тушунилади. Норасмий институтлар эса ўз ичига урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, келишувларни, уларнинг манфаатларини таъминлашни амалга оширишни олади [2].

Бунда қуйидаги икки тушунчага алоҳида изоҳ бериб ўтиш лозим. Фуқаролик жамияти, бу — инсонларнинг онгли муносабатларига асосланган, жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларнинг сақланишида ҳамда янги ислохотларнинг амалга оширилишида яқка ва жамоавий шаклдаги ўзаро тенгликка таянган назорат тизимидир.

Бизнингча, “институт” — ҳокимиятни ташкил қилишнинг ўзига хос шакли ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг барқарор воситасидир. Бу орқали институтлар сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисми сифатида жамият сиёсий ташкилотининг барқарор, узоқ муддат ишлашини таъминлайди.

### **Ислохотлар рўёбида инқилобий йўлдан воз кечилди**

Мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидан изчил давом этиши учун иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш жамият олдидаги асосий вазифадир. Шу боис юртимизда ислохотларнинг инқилобий йўл билан амалга

оширилишидан воз кечилиб, ушбу жараёнларнинг тадрижийлиги давлат томонидан амалга оширилди.

Сиёсий ҳаётда институционаллашув жараёнларининг барқарорлиги таъминлашда айрим жойларда у ёки бу даражада сиёсийлик, яъни давлатнинг куч ишлатиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Давлат иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш орқали фуқароларнинг фаоллигини шакллантиришга ҳисса қўшиб, нафақат ўз муаммоларини ҳал этиш, балки умумий фаровонликни таъминлашнинг таркибий қисми сифатида куч ишлатиш ҳуқуқига эга.

Бу фаровонликка бўлган эҳтиёжнинг ўсиши, ўз навбатида, сиёсий ҳамда ҳуқуқий эркинликларга бўлган эҳтиёжни ошириб, жамият учун муҳим аҳамият касб этади. Давлат ҳокимияти томонидан уларни амалга оширишда асосий вазифа қонунийлик ва тартибни сақлашдан иборатлигича қолади.

Яна бир муҳим жиҳат. Бу — фуқаролик жамияти ва унинг доирасида нодавлат сиёсий институтлар фаолиятини амалга оширилиши масаласи. Ривожланган демократик давлатларда сиёсий институтлар шаклланишида бир томондан давлат, иккинчи томондан эса фуқаролик жамияти таъсири остида ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Гарчи улар параллел бўлсада, аммо бошқа-бошқа жараёнлардир. Бу аснода биз маълум бир ҳудудда монополия ўрнатгани ҳолда куч ишлатишни тақозо этувчи асосий институт сифатида шаклланиб бораётган давлатни назарда тутишимиз лозим. Демак, ўз-ўзидан жамият таркибланиши жараёнида барча сиёсий муносабатлар ва жараёнларни ҳаракатга келтирувчи “давлат”нинг ўрни нимадан иборат, деган мантиқий савол туғилади.

Давлат – жамиятнинг функционаллашуви ва ҳаракатланишида биринчи даражали ва деярли мутлақ суверенитетга эга алоҳида бир ташкилот, жамият сиёсий тизимининг бош таркибий қисми сифатида ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва уни ўзининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади.

Давлат халқ манфаатини кўзласа, ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юритишда унга эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини ноқонуний чекласа, фақат зўравонликка йўл қўйса, у замонавий давлат ҳисоблана олмайди.

Жамиятнинг тартиб сари бориши, яъни институционаллашуви, шунингдек, инсон ҳаёт фаолияти учун табиий чегараланган маконнинг янада кенгайишига имконият яратади. Шунинг учун ҳам, узоқ давом этган ривожланиш жараёнида мамлакатнинг янги демократик тартиботга мослашиши ривожланган мамлакатлардаги демократик қурилиш тажрибасининг қандай ўзлаштирилаётганлиги билан белгиланади.

Дунё тартиботи шуни тасдиқламоқдаки, янги сиёсий демократик институтларнинг ривожланиши асосий уч босқичдан ўтади. Биринчи давр — бу институтнинг пайдо бўлиши ва ўсиши, иккинчи давр — унинг легитимлиги жамиятда мустаҳкамланиши, урф-одатларга мослашиши билан тавсифланади, иккинчи давр, одатда, узоқ муддатли давомий жараён бўлиб, унда демократик институтларнинг

мутлақ янги шароитда қандай ўзига хос хусусиятга эгаллиги синовдан ўтади ва ниҳоят, учинчиси — уларнинг самарадорлиги ўсишига бориб тақалади.

Қанчалик мураккаб бўлмасин, кейинги йилларда давлат ҳокимиятига параллел равишда фуқаролик жамияти институтлари тизимини такомиллаштириш ва уларни қўллаб-қувватловчи сиёсат устуворлик касб этиб бормоқда. Шу мақсадда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш доирасида Ўзбекистонда бир неча қонунлар қабул қилинди. Давлатимиз олий раҳбарияти томонидан кучли давлатни такомиллаштириш, самарали иқтисодий сиёсат юритиш орқали қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат тамойилларига амал қилган ҳолда ривожланиш йўналишлари белгилаб олинди. Шунинг билан бирга, асосий эътибор кучли давлат ва нодавлат секторнинг ўзаро алоқаларини янада такомиллаштириш ва фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий эркинлигини ҳимоялашга қаратилди.

Жамият ҳаёти фаолияти барча соҳада муваффақиятга эришиши давлатнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқ. Демакки, ижтимоий самарадорлик, фуқаролик жамияти фаолиятдан мустасно тарзда ҳукумат ҳисобига вертикал ўзлаштириш ҳудудларгача ҳокимиятнинг самаралилик даражасига боғлиқ.

### **Давлат ва фуқаролар мулоқотининг жаҳон тажрибаси**

Давлат ва жамият — ҳар иккаласининг ҳуқуқий меъёрларга бўйсунishi, ҳокимият тақсимланиши принципини жорий этишдан бошланади. Бу конституционализмнинг ягона тизимини ташкил этади. Бироқ давлат ва жамият институтларининг ўзаро нисбати, фуқаролар ҳаётига давлатнинг аралашуви чегаралари сиёсий феномен тарзида турли мамлакатларда муайян тарихий шаклларга эгаллиги сақланиб қолаверди.

Шу боис баъзи бир тарихий воқеаларни эсда сақлаш фойдадан холи эмаски, ушбу жараён ҳамма пайтда бир хил келмаслигига ишончимизни янада орттиради.

Мисол учун, давлатнинг тартибга солувчи таъсир ғояси АҚШнинг, айниқса, Демократик партиядан сайланган 32-президенти (1933 йилдан) Франклин Делано Рузвельт (1882 — 1945)нинг “янги сиёсати”да ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи барча даврда Америка Қўшма Штатларининг конституциясини ислоҳ қилиш воситаси сифатида ҳокимиятнинг учала тармоғини ўзаро тенглаштириб келди. Қолаверса, АҚШ конституциясига одатда жамият суверенитети ҳақидаги бандлар ҳам киритилган. Масалан, 1776 йилги Виржиния штати ҳуқуқлари декларациясида: “Бутун ҳокимият халққа тегишли ва халқдан олинади, бошқарувчилар халқ вакиллари ва хизматкорлари ҳисобланади ва ҳар доим унинг олдида жавобгардирлар” [3], деган сўзлар бор.

Ҳокимият халққа тегишли эканлиги ва бошқарувчилар халқ хизматини бажаришини эълон қилгач, Америкада ислоҳотчилар учун ижро ва суд ҳокимиятлари ваколатларини кучайтириш учун асос, қонунчилик ҳокимияти устидан назорат ўрнатишнинг энг яхши усули сифатида ҳокимиятнинг бўлиниши принципини амалда қўллаш осонлашди. АҚШ федерал Конституциясининг муаллифлари 1787 йилнинг ёзида ишлаш учун йиғилган пайтдан эътиборан ҳокимиятнинг бўлиниши принципи Америка конституционализмининг белгилари қаторидан мустаҳкам ўрин олди.

Хуллас, фаол ижтимоий ўзгаришлар жараёнида жамият ва давлатнинг мақоми, шунингдек, мазкур ўзгаришларга унинг муносабати тўғрисидаги масала, хусусан, юқорида зикр этилган ривожланиш шаклининг бош муаммосига айланди. Кучли

давлат анъаналари Германияда, айниқса, фаол ишлаб чиқилган ҳуқуқий давлат концепциясида ўз аксини топган давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларининг алоҳида шаклини юзага келтирди [4].

Фуқаролик жамияти, унинг ривожланган шакли ҳозирги дунёнинг ижтимоий табақаланиши ва институционаллашувининг ривожланган шакли таъсирида юзага келган ҳодисасидир. Ушбу ёндашувга кўра, фуқаролик жамияти шахсий манфаатлар, индивидуализм майдони сифатида кўзга ташланади.

Японияда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши 1946 йилги Конституцияда белгилаб қўйилган тамойилларга таянади. Унда конституциявий парламент монархияси белгиланган бўлиб, Япония Конституциясининг 1-моддасига мувофиқ, император давлат ҳамда миллатнинг бирдамлиги рамзи ҳисобланади [5]. Бироқ амалда император давлат сиёсати масалаларини мустақил ҳал қилишдан четлаштирилган.

Японияда институционаллашув, сиёсий институтлар моделлари хусусида сўз борар экан, бир хусусийлик мавжудлигини эсда тутиш лозим. Уларда умумдавлат миқёсида вакиллик демократияси институтлари қаторида бевосита демократия институтлари ҳам мавжуд. Бироқ вакиллик демократиясининг юксак даражада ривожланган институти бўлган парламент сессиявий тартибда ишлаб, давлат ҳаётининг муҳим муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланса, бевосита демократия институтлари – Конституцияга тузатишларни халқ томонидан (референдум шаклида) маъқуллаш институти ва фуқаролар томонидан норматив ҳужжатларни қабул қилиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақида аризалар бериш институти ё кам қўлланилади, ё умуман фаолият кўрсатмайди.

### **Ўзбекистон тажрибаси**

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари ахборотлашган жамиятда ёки унга ўтиш даврида яшамоқда. Мамлакатимизда ахборотлашган жамиятга тўлиқ ўтиш ҳамда институционаллашув жараёни ва унинг таркибий тузилмалари маълум даражада паст самарада ишлаётганлиги намоён бўладиги, бу ўз навбатида инновацион ривожланишга тўсиқ бўлиб қоляпти. Институционаллашув жараёнларидаги ислохотлар ва ўзгаришларнинг мураккаб кечаётганлиги ислохотлардаги манфаатлар уйғунлигининг ҳозирча тўла-текис таъминланмаганлиги ҳамда замон талабларига жавоб тарзида уларнинг амалга татбиқ этилмаганлигидан келиб чиқмоқда. Бу муҳим жабҳада сезиларли ўзгаришлар содир бўлишининг аҳамияти шундаки, у ижтимоий жабҳанинг барча йўналишларига бориб тақалади.

Олайлик, одатда меҳнатга бўлган қизиқиш унинг аниқ натижалари билан баҳоланади, ундаги диспропорция ҳақ тўлашда яққол кўринади. Экспертлар институционаллашув ва маданий маърифатлашув жараёнларидаги ўзгаришлар секинлик билан амалга ошиши ва ишчи кучи қанчалар арзон бўлса анъанавий билан замонавий секторлар ўртасида шунчалик узилиш пайдо бўлишини аллақачон аниқлашган [6].

Аммо жамиятни модернизациялаш, барқарорликни таъминлашга бўлган мақсаднинг амалга ошуви манфаатлар уйғунлиги ҳамжиҳатлик ва бирликни бир жойга тўпласдан амалга ошмайди. Бу, жумладан, сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятида аҳолининг кенг қатлами, энг фаол сиёсий ва интеллектуал етук қисмини ўз

атрофига бирлаштирган институтлар сифатида ҳаракат қилишида яққол кўзга ташланади.

Сиёсий партиялар сиёсий плюрализмсиз сиёсий барқарорликка эришиш вазифаларини тўла бажара олмайди. Давр, ҳаёт уларнинг олдига янги мақсад ва вазифаларни қўйган. Халқ, миллат мустақилликни мустаҳкамлаш ва демократик жамият қуришни мақсад қилиб белгилаган экан, сиёсий партияларнинг фаоллиги, етуқлигига ана шу мақсадга эришиш борасидаги навбатдаги вазифалар деб қарайди. Фуқаролик жамиятида эса барча ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлари, шу жумладан, сиёсий партиялар фаолияти ҳам инсон манфаатларидан келиб чиқади.

Маълумки, жамиятимизда турли сабабларга кўра давлат ривожланишда ҳаддан зиёд ҳукмрон роль ўйнаган давр бўлди. Бу ўз вақтида иқтисодиётнинг жадал ривожланишига давлат институтларининг мувофиқ тарзда фаолият кўрсата олмаслигини келтириб чиқарди. Ўз вақтида ҳокимият бюрократияси ва қонунчилик органи жамиятнинг бозор муносабатларига ўтишида хусусий мулк дахлсизлигини сақлаш ва соғлом рақобатга асосланган бизнесни ривожлантиришга етарлича шарт-шароит яратиш ўрнига турли тўсиқларни юзага келтирди. Афсуски, ушбу ҳолат ҳозирги кунда ҳам етарлича мавжуд. Бунинг оқибатида ҳукумат бугунги кунда йиғилиб қолган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топиб, мураккаб вазифаларни амалга ошириш жараёнида турли низоли ҳолатларга дуч келмоқда.

Ушбу салбий ҳолатлардан тўғри хулоса чиқарилган ҳолда, Президентимиз ташаббуси ва қатъий иродаси билан поғонавий таркибда илгаридан давлат томонидан бажариб келинаётган инновацион фаолиятни бошқариш ва функцияларнинг ташкилланиш ижро механизмлари кескин ўзгартирилмоқда. Мазкур жараёнда иқтисодиёт ўзининг том маънодаги иқтисод кўриниши даражасига кўтарилганда унинг асосий хусусияти намоён бўлиб, фанни ишлаб чиқариш манфаатлари соҳасига татбиқ этиш билан уйғунлаштиришга эришиш мумкин.

“Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади. Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этишни таклиф қиламан” [7].

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим” деган ғояларига асосланган ҳолда, мамлакатимизда Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатаси ва Ёшлар парламентини ташкил этиш ҳақидаги Юртбошимиз ташаббуслари Ўзбекистондаги институционаллашув жараёнига концептуал ғоя сифатида катта туртки бўлганлигини, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб Янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим қадамлар ташлаш имконини бераётганлигини таъкидлашимиз мумкин.

**Умуман, Ўзбекистонда янги ижтимоий-институционал тартиботнинг шаклланишидаги муаммоларга ечим сифатида айрим асосий тавсияларни бериш мумкин.**

*биринчидан*, фуқаролар, жамоат ташкилотлари, ижтимоий институтлар ва давлат ҳокимияти органларининг тизимли ижтимоий-сиёсий мулоқотини янада такомиллаштириш зарур;

*иккинчидан*, жамиятнинг ижтимоий аҳамиятга молик қарорларини қабул қилиш, уни амалга ошириш ва натижаларини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш лозим;

*учинчидан*, инсон капитали тараққиётининг асосий компонентларидан бири бу – инсоннинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиши, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари асосида бошқарув жараёнида ўзи бош манфаатдор сифатида бевосита ёки билвосита иштирок этишини таъминлаш керак.

Шунингдек, фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ўз орзу-истаклари ва манфаатларини рўйбга чиқариши учун умумий мақсад йўлида маълум бир институт шаклида бирлашиш имкониятини, жамиятдаги муаммоларни қонун доирасида бартараф этиш учун тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижро механизмларини таъминлаш зарур.

Институционаллашув жараёнида одамларнинг субъектлик даражасини ошириш ҳам лозим. Бунинг асосий шarti субъектларнинг ўз манфаатларини англаш даражаси билан белгиланади. Зеро, ахборотлашган жамиятда ривожланишнинг бош омили инсон ҳисобланади, шу асосда унинг ҳаёти, фаровонлиги ошади.

Шунинг учун мамлакатимизда ўрта синф мавқеини жадал суръатлар билан кенгайтириш борасида инсон капиталини ривожлантириш, таълимга инвестицияни кўпайтириш, муқобил тарздаги иш ҳақи, юқори андозадаги таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини яратиш каби омиллар аҳоли даромадидаги фарқланишни камайтиришда асосий кафолат ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020.
2. Серёгин А.В., Милославская Е.Ю. Особенности патриархатно-богословских концепций происхождения древнеславянских государств // История государства и права. – 2018. – № 1. – С. 77-78.
3. Thorpe, Federal and State Constitutions, VII, 3812.
4. Burgerliche Gesellschaft //Ceschichtliche Grundbegrifte, Historisches lexicon fur politisch - sozialen sprache in Deutschland – Stuttgart, 2000. Bd. 2. – P. 719-800.
5. <https://lex.uz/dictionary?word=ЯПОНИЯ>
6. Ясин Е.Т. Модернизация и общество // Вопросы Экономики. – 2007. – № 35. – С. 8.
7. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.